

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 135 (1734), 2026 йил 5 июль, якшанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz.uz_news



СЕРГЕЛИ — БУНЁДКОРЛИК РУҲИ ВА ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ЖОЗИБАДОРЛИК УЙҒУНЛАШИБ, ИНСОН ҚАДРИ ЮКСАЛИБ БОРАЁТГАН ЯНГИ ҲАЁТ МАНЗИЛИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 4 июль куни Сергели туманига ташриф буюриб, ҳудуддаги бунёдкорлик ишлари ва амалга оширилган лойиҳалар билан танишди.



Янги Ўзбекистон аҳли бугун яратувчанлик руҳи билан ҳар кун янада баландроқ марралар сари интилиб яшамоқда. Мамлакатимизда бошланган кенг қўлмали ислохотлар ва унинг изчиллиги ҳар бир юртдошимиз қалбига ана шундай кўтаринкилик, эртанги кунга мустақкам ишонч бераяпти.

Бундай янгиланишлар юртимизнинг барча ҳудудларида бирдек амалга ошяпти. Хусусан, кейинги йилларда пойтахтимизнинг Сергели тумани тубдан ўзгарди. Илгари бир оз эътибордан четда бўлган ушбу ҳудудга янги Ўзбекистон нафаси кириб борган, замонавий уйлар, ижтимоий-иқтисодий объектлар қад ростлади. Ҳатто маҳаллий ишбилармонларимиз ҳам унчалик қизиқиш билдирмайдиган туманда хорижлик сармоядорлар янги лойиҳаларга бош қўшди.

Президентимиз туманга ташрифи чоғида бунёдкорлик ишлари билан таниши, янги марраларни белгилаб берди. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз

фаровонлигига хизмат қиладиган янги ташаббусларни илгари сурди.

Давлатимиз раҳбари ташрифини туманининг Иттифок маҳалласидаги Янги Сергели кўчасида амалга оширилган ишлар ҳамда савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари фаолияти билан танишишдан бошлади.

Файзли, равон йўлақлар бўйлаб экилган анвойи гуллар баҳри дилингизни очади. Соядаги ўриндиқлар, кўкка бўй чўзган дарахтлар ва фавворалар кишига ҳузур бағишлайди. Худуд бўйлаб ёқимли кўшиқ, ўлмас оҳанг таралади. Қатор жойлашган савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари аҳоли хизматига шай. Китеб дўкони, болалар майдончалари, нуронийлар маскани ҳудудга янги ҳаёт нафаси кириб келганидан дарак беради.

Янги Сергели кўчаси 24/7 режимида ишлайдиган худудга айланган, ана шундай ажойиб манзарага эга. Умумий қиймати 18,7 миллиард сўм бўлган ушбу лойиҳа асосида кўчанинг 2,1 километр

қисмидаги инфрамузасилма тўлиқ янги қиёфа касб этди. Худуд обод этилиб, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари ишга туширилди. Бунга қўшимча равишда болалар учун 10 дан ортқ майдонча, 8 та воркаут зонаси ташкил этилди. Улар шаҳар аҳли ва меҳмонларга мароқли хордиқ чиқариш ва спорт билан шуғулланиш имконини беради.

Мамлакатимиз етакчиси Иттифок маҳалласи бўйлаб юриб, ободонлаштирилган кўча, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари ҳамда аҳоли учун яратилган қулайликлар билан танишди. Маҳалла фаоллари ва фуқаролар билан самимий мулоқот қилди. Амалга оширилаётган ишлар аҳоли турмуш даражаси ва фаровонлигига қандай таъсир кўрсатаётгани билан қизиқди.

Маҳалла фаоллари сўнгги йиллардаги ислохотлар аҳоли кайфияти, турмуш тарзида ижобий ўзгаришлар ясаётганини таъкидлади. Янгиланиб, обод бўшага айлантирилган кўча эса халқимиз даромади

ошишига хизмат қила бошлагани, бу юртдошларимизнинг эртанги кунга ишончини янада мустақкамлаётгани эътироф этилди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда бу каби туризм кўчаларини ташкил этиш яхши анъанага айланди. Бундай эзгу ишлар ҳақли равишда халқимиз қувончига сабаб бўляпти. Аҳоли гавжум худудларда ташкил этилаётган туризм кўчалари халқимизга исталган вақтда олиаси билан сайр қилиб, дам олиш имкониятини бермоқда.

Айни жиҳат жамият, хусусан, оилалардаги ижтимоий муҳитга ижобий таъсир қиладди. Ота-онани болага, болаларни эса кўни-қўшнлар, умуман, маҳалла аҳлига яқинлаштиради. Негаки ота-оналар ишдан хориб келгач, узок йўл юриб сайрга чиқавермайди. Туризм кўчалари, болалар ва спорт майдонларининг уйга яқин бўлиши оилавий муҳитга шу тариқа ижобий руҳ беради.

Яна бир муҳим жиҳат. Туризм иқтисодиётининг муҳим драйверидир. У янги иш ўринлари яратиб, хизмат кўрсатиш соҳасида сифатни оширади. Бунга Янги Сергели кўчаси мисолида ҳам кўриш мумкин. Худуд атрофидаги 4 та маҳаллада 21 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қиладди. Туну кун ишлайдиган туризм кўчаси эса бу ердаги ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларни тубдан яхшилашга хизмат қиладди. Янги лойиҳа тўлиқ ишга тушган, йилгига 1,2 миллиондан ортқ ташриф буюрувчи хизмат кўрсатиш имконияти яратилади. Агар Янги Сергели кўчасидан кунига ўртача 15-20 мингта автотранспорт воситаси ҳаракатланишини ҳисобга олсак, бу кўчадаги табдиркорлик субъектларининг иш қўламини, шунга яраша даромадини хомчўт қилиш мушкул эмас.

Лойиҳа доирасида 250 дан ортқ янги иш ўрни очилди. Ёш табдиркор, ҳунарманд Мавжуда Алихонова хотин-қизлар учун турли тақинчоқлар ясаб, либослар тикади. Шу вақтгача у ишлаб чиқараётган маҳсулотларини сотиши учун имконият йўқ эди. Янги Сергели кўчасидаги 95 та мавжуд табдиркорлик субъектларининг фаолияти кенгайтирилиб, 22 та янги табдиркорлик субъекти ташкил этилди. Шулар қаторида ёш табдиркорнинг ҳунармандлик маҳсулотларини сотиш учун ҳам алоҳида жой ажратилди.

Президентимиз ташриф буюрган навбатдаги манзил “Global International Hospital” хусусий кўп тармоқли тиббиёт маркази бўлди.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотлар давлат тиббиёт муассасалари билан бир қаторда хусусий тиббиёт тармоғининг ҳам изчил ривожига йўл очмоқда. Замонавий диагностика ва даволаш имкониятларини кенгайтириш, тиббий хизматлар сифатини ошириш ҳамда инвестицияларни фаол жалб этиш борасида яратилган шароитлар ушбу йўналишда йирик лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилишига замин яратди. Сергелида бунёд этилган мазкур марказ ҳам ана шундай ёндашувнинг амалий ифодасидир.

Умумий қиймати 30 миллион долларлик лойиҳа қурилиши 2022 йилда бошланган эди, жорий йилдан тўлиқ ишга туширилди. Кенг қўламли қурилиш ва жиҳозлаш ишлари давомида халқроқ талабаларга жавоб берадиган замонавий инфрамузасилма барпо этилди.

Муассаса йилгига 150 мингдан ортқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш қувватига эга. Марказда кардиожаррохлик, интервенцион кардиология, нейрорхирургия, онкожаррохлик, қон томири жаррохлиги, ортопедия, гинекология, терапия, неврология, болалар жаррохлиги ва урологияси каби кўплаб йўналишларда малакали тиббий ёрдам кўрсатилади. Шу билан бирга, физиотерапия, бальнеотерапия ҳамда тиббий минерал сувдан фойдаланган ҳолда даволаш ва реабилитация хизматлари ҳам йўлга қўйилган.

Бу ерга Буюк Британия, Италия ва Германиядан келтирилган, дунёнинг етакчи ишлаб чиқарувчилари томонидан тайёрланган тиббий ускуналар ўрнатилган. Хусусан, Philips компаниясининг юқори аниқликдаги тиббий жиҳозлари, магнит резонансли томографияси, мультиспирал компьютер томографияси, рентген, маммография, лаборатория ва инструментал диагностика ускуналари беморларни тезроқ ҳамда аниқ текшириш имконини беради.

Марказда 24 соат давомида фаолият юритадиган шошилич тиббий ёрдам ва амбулатор қабул бўлимлиги ташкил этилган. Худуд аҳли ҳамда яқин атрофдаги транспорт қатнови юқори бўлган магистралларни инобатга олган ҳолда йўлга қўйилган ушбу тизим орқали шошилич ҳолатларда бирламчи тиббий ёрдамини кечиктирмасдан кўрсатиш имкони мавжуд.

Бу ерда беморлар учун алоҳида хоналар ташкил этилган, даволаниш учун қулай шароитлар яратилган. Лойиҳа доирасида 250 та янги иш ўрни яратилган.

Жамоа сафида хорижий клиникаларда малака оширган 10 дан ортқ юқори малакали шифокор, шунингдек, хориждан жалб этилган тажрибали мутахассислар фаолият юритмоқда.


Ҳар қандай жамоа истиқбол учун ҳаракат қиладди. Янги ташаббус ва ғоялар билан яшайди. Шу маънода, ушбу клиника томонидан тиббий муолажадан ташқари сайёҳлик пакетлари ҳам ишлаб чиқилган диққатга сазовор. Мураккаб жаррохлик амалиётлари, замонавий диагностика ва даволаш усуллари хорижлик беморлар учун қулайликлар яратди. Даволаниш жараёнини қўшимча хизматлар билан уйғун ҳолда ташкил этиш мақсадидан меҳмонларга саёхат дастурлари тақдиф этилади. Булар, табиийки, беморларга ҳар томонлама маъқул келади.

Клиника жамоаси аҳоли учун яна бир хизматни тақдиф қилмоқда — мутахассислар шошилич қақирқларга хизмат кўрсатади. Яъни беморларга зарурат туғилганда шу ернинг ўзида биринчи тиббий ёрдам кўрсатилиб, кейин бошқа ихтисослашган тиббиёт муассасаларига етакзиб қўйилади ёки йўналтирилади. Кўнудузи даволаниш хоналари ташкил этилгани эса қўшимча муолажаларга эҳтиёж сезган фуқаролар учун янада қулай шароит яратди.

Президентимиз ташриф давомида марказда яратилган шароитлар, тиббий хизматларни ташкил этиш тизими ҳамда истиқболдаги режалар тақдими билан танишди. Шунингдек, аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифати ва қўламини янада кенгайтириш, замонавий тиббий технологияларни изчил ўзлаштириш, хусусий тиббиёт муассасалари фаолиятини қўллаб-қувватлаш юзасидан тегишли тавсиялар берди. Марказни айрим йўналишлар бўйича таянч тиббиёт муассасасига айлантириш муҳимлигини таъкидлади. Бу ерда тўпланадиган илгор тажриба асосида шифокорлар малакасини ошириш ва замонавий тиббий хизматлар қамровини кенгайтириш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Мамлакатимиз етакчиси марказ ҳодимлари билан мулоқот қилиб, аҳолига сифатли, замонавий ва самарали тиббий хизмат кўрсатиш масалаларига алоҳида тўхталди. Бу борада соҳа мутахассисларини қўллаб-қувватлаш, хусусий тиббиёт ташкилотлари сонини кўпайтириш зарурлиги қайд этилди.

► Давоми 2-бетда



Турли геосиёсий зиддиятлар авж олган ҳозирги даврда инсоният олдида турган энг улғувор вазифа тинчлик-осойишталикни асраш, халқлар ва маданиятлараро ўзаро ишонч кўприкларини мустақкамлашдир. Ана шундай шароитда бағрикенглик (толерантлик) шунчаки назарий тушунча эмас, балки инсониятнинг омон қолиши ва тараққий этишини кафолатловчи энг муҳим қадриятга айланди. У барча халқларни тотувликка, ҳамжиҳатликка ва баҳамжиҳат яшашга ундайди.

Президентимиз ўз чиқишларида ҳамisha жамиятда бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини янада мустақкамлаш зарурлигини алоҳида қайд этади. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “жамиятда тинчлик ва осойишталикни мустақкам қарор топтиришнинг энг муҳим тамойилларидан бири ижтимоий ва диний бағрикенгликдир. Юртимизда турли конфессиялар вакиллари ягона оила бўлиб, дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитида яшаётгани, жонажон Ватанимиз равақига муносиб ҳисса қўшиб келаётгани бизнинг энг қатта бойлигимиздир”. Дарҳақиқат, бу жиҳат очиқ фуқаролик жамияти, ҳақиқий демократик тизимнинг энг олий ва ўзига хос хусусиятидир.

XXI аср — турли ғоялар кураши ўта фаоллашган глобаллашув асри. Ҳозир жаҳонда тинчлик ўрнатишнинг энг муҳим тамойилларидан

бири, шубҳасиз, бағрикенгликдир. Бу борада Президентимиз томонидан илгари сурилаётган “Янги Ўзбекистон — инсон қадри улуғланган, бағрикенг ва очиқ давлат” ғояси мамлакатимизда яшаётган 130 дан ортқ миллат ва элат вакилларининг ягона оила бўлиб жиҳтлашишига хизмат қилмоқда.

Бағрикенг жамиятда инсонлар бир-бирининг фикри, дунёқарashi, урф-одатлари ва қадриятларини камситмайди, балки уларни бойлик сифатида қабул қиладди. Мана шундай соғлом муҳитга мамлакатда барқарор иқтисодий ва ижтимоий юксалишини таъминлай олади. Зеро, бағрикенглик шунчаки чидамлик ёки лоқайдлик эмас, балки ўзгаларнинг маданияти, дунёқарashi ва қадриятларини англаш, уларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш санъатидир.

► Давоми 3-бетда



мамлакатимиз хорижий сайёҳларни жалб қилиш бўйича **ЮҚОРИ ЎСИШ** қайд этилган **ТОП-5 ДАВЛАТ ҚАТОРИДА**

6

СЕРГЕЛИ — БУНЁДКОРЛИК РУҲИ ВА ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ЖОЗИБАДОРЛИК УЙЎНЛАШИБ, ИНСОН ҚАДРИ ЮКСАЛИБ БОРАЁТГАН ЯНГИ ҲАЁТ МАНЗИЛИ

Бошланиши 1-бетда

— Ҳар бир беморга сифатли ва муносиб хизмат кўрсатиш билан бирга тиббий ва туризм хизматларини уйғунлаштириш зарур. Бу йўналишни кенг тарғиб қилиш, хориж тажрибасини ўрганиб, шифохоналар ҳузурида меҳмонхона инфратузилмасини ривожлантириш керак, — деди давлатимиз раҳбари.

Ўзгариш, мазмун-моҳиятига кўра, бирор нарса ёки ҳолатнинг аввалгисига нисбатан яхшиланиши, янгиланишини аниглаганда. Одатда бу сўз ўсиш, ривожланиш, барқарорлик каби ижобий сифатлар билан бир қаторда кўлланилади.

Сергели туманида бундан қарийб ўттиз йил аввал янги ташкил этилган маҳаллага айнаи шу жиҳатлардан келиб чиқиб “Ўзгариш” деб ном берилганди.

Бирок нари борса бундан ўн йил аввал ушбу маҳаллага йўли тушганлар яхши эслайди: инфратузилмаси агбор, муаммолар тўпланиб қолган чекка бир жой эди. Токи янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида бошланган ортга қайтмас ислохотлар шиддати, жамиятимизда кечаётган янгиланишларнинг улкан бунёдкорлик руҳи барча соҳа ва тармоқлар, энг чекка ва олис қишлоқлар қаторида “Ўзгариш” маҳалла фуқаролар йиғинига кириб келмагунига қадар.

Бугунги “Ўзгариш” том маънода ўз номига мос. Бунда, аввало, янги Ўзбекистон шариоитида “Инсон қадри учун” тамойили барча янгиланиш жараёнларининг бош мақсади ва асосий мезони сифатида белгиланган, маҳалланинг жамият ҳаётида тугган ўрни тубдан ўзгариб, у шиддатли ислохотлар натижадорлигини таъминловчи тузилмага айлангани катта натижаларга эришишимизга замин яратмоқда.

Ўзгариш маҳалласидан қиёс. 6700 дан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган маҳаллада кейинги йилларда сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Аввало, маҳаллада йиллар давомида тўпланиб қолган муаммолар босқичма-босқич ҳал этилди. Қарийб йигирма гектар майдонни эгаллаган маҳалла ҳудудида замонавий инфратузилма ва қулай ижтимоий муҳит яратилди. Хусусан, 10 та болалар майдончаси, мини футбол майдони, 2 та саломатлик ҳудуди барпо этилиб, аҳоли ихтиёрига топширилди.

Бундан ташқари, 1,4 километр пиёдалар йўлаклари барпо этилди, 12 та кўп қаватли уйнинг фасад қисми таъмирланди, ички йўللарга асфальт ётқизилди. Ҳудудни кўкаламзорлаштириш мақсадида 2720 туپ манзарали дарахт ва бута кўчати ежилди.

Мамлакатимиз етакчиси Сергели туманига ташрифи доирасида ушбу маҳаллада ҳам бўлиб, аҳоли билан мулоқот қилди,

ҳудудда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Президентимиз дастлаб маҳалла гузарига “маҳалла еттилиги” ва ҳудуд фаоллари билан самимий суҳбатлашди. Бугун барча соҳа ва тармоқлар, аҳоли фаровонлигини ошириш, ҳудудларни барқарор ривожлантириш бўйича қўлга киритилаётган катта-катта натижалар юртимизда кечаётган янгиланишларнинг илк нишонлари экани, ислохотлар ҳам, ўз навбатида, ютуқлар ҳам бардавом бўлиши таъкидланди. Шу жумладан, мазкур маҳалладаги ўзгаришлар аҳоли учун муносиб турмуш шариоити яратиш, маҳаллани обод ва хавфсиз масканга айлантиришга қаратилган ишлар натижаси сифатида баҳолили, аҳолига янада қулай шарт-шароит яратиш учун бор имкониятлар ишга солиниши қайд этилди. Маҳаллаларда китобхон оилаларни кўлай-тириш, жиноятчиликни жиловлаш муҳим эканига алоҳида эътибор қаратилди.

— Кенг кўламли бунёдкорлик ишларимиз айнан мана шу Сергели туманидан бошланган эди. Ўз вақтида бу ҳудудга замонавий метро линиясини олиб келиш ташаббусини илгари сурганимизда ушбу йирик лойиҳанинг истиқболига шубҳа билан қараганлар ҳам бўлгани сир эмас.

Бироқ бугун мана шундай кўркам ва обод масканларни, энг муҳими, сиз каби азиз юртдошларимизнинг мамнун чехраларини кўриб, танлаган йўлимиз қанчалик тўғри бўлганига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз.

Бугунги ташрифимиздан мақсад ҳам сизлар билан бевосита мулоқот қилиш, таклиф ва ташаббусларингизни тинглашдир, — деди давлатимиз раҳбари.

Мамлакатимиз етакчиси шу ерда маҳалланинг бир гуруҳ спортсевар ёшлари билан мулоқотда бўлди. Вақт, айниқса, ўсмирлик фурсати ғанимат экани, унинг ҳар бир дақиқасидан билим олиш, соғлом бўлиб улғайиш йўлида самарали фойдаланиш лозимлиги таъкидланди.

Шундан сўнг Президентимиз маҳаллада ташкил этилган замонавий когенерация маркази фаолияти билан танишди.

Бундай марказлар бугунги замон талаби. Чунки самарадорлик ҳар қандай соҳа ёки йўналишда муваффақиятга эришишнинг бирламчи шартига айланган айнаи пайтда бу жиҳат марказ фаолиятининг асосий тамойили ҳисобланади. Яъни оддий электр станцияларидаги энергия ишлаб чиқариш жараёнида ажралиб чиқадиган иссиқлик ҳавога шунчаки учиб кетса, бу ердаги когенерация қурилмалари ўша исроф бўлаётган иссиқликни тутиб қолиб, уйлارни иситиш учун фойдали манбага айлантиради.

Бу ерда ҳам иш жараёни шундай тартибда кечади. Когенерация технологияси орқали табиий газдан аввал электр энергияси

олинади, сўнг ушбу жараёнда ҳосил бўлган иссиқлик хонадонларни иситишга йўналтирилади. Бу, ўз навбатида, энергия самарадорлигини ошириб, исрофгарчиликни камайтиради. Куз-қиш мавсумида маҳалланинг иссиқлик ва электр энергияси таъминоти барқарорлигига хизмат қилади.

Германияда ишлаб чиқарилган замонавий газ-поршенли қурилмалар ва қозонлар билан жиҳозланган марказ йилига 18,4 миллион киловатт-соат электр энергияси ва 80 минг гигакалория иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш имконига эга. Шу жиҳатдан олганда, лойиҳа ўзини тўла оқлайди.

Яна бир муҳим жиҳат: қиймати 5,8 миллион долларлик лойиҳа доирасида 2 километр узунликдаги юқори кучланишли электр линияси қурилиб, умумий тармоққа уланган. Бу туман марказий электр тармоғи юкламасини 3 фойз камайтирди. Марказ ишга тушиши билан 10 та доимий иш ўрни яратилди.

Аҳоли хонадонлари ва саноат объектларини қишининг қор-қировли, совуқ кунларида иссиқлик энергияси билан барқарор ва узлуксиз таъминлаш доимо долзарб вазифа бўлиб келган. Шу маънода, бир вақтнинг ўзида электр ва иссиқлик ишлаб чиқарадиган бундай замонавий когенерация марказлари кўпайиб бораётгани диққатга сазовордир.

Давлатимиз раҳбари йўл-йўлакай Сергели туманидан ўтувчи ер усти метро йўналиши остида ташкил этилган савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари фаолияти билан танишди.

Ушбу лойиҳани қайсидир маънода ундан олдингисининг мантиқий давомидеяиш мумкин. Боиси, бу ердаги бунёдкорлик ишларида ҳам самарадорлик масаласи устувор. Яъни ер усти метро йўли остидаги 5,7 гектар бўш майдон аҳоли учун қулай, иқтисодиёт учун эса самарали масканларга айлантирилди.

Бу ерда 137 та тadbиркорлик субъекти, 4 километр пиёдалар ва велосипед йўлаги, 2 та болалар майдончаси ва спорт зоналари ташкил қилинди. Натижада 250 та янги иш ўрни яратилди. Бундан ташқари, метро остида ўрнатилган 100 та ўриндиқ ва 40 та замонавий манзарали чироқ аҳолининг мазмунли ҳордиқ чиқариши учун қулайлик яратмоқда.

Сергели тумани ҳокимлиги ташрифининг яқуний манзили бўлди. Айтиш жоизки, бу ерда илк танишув бугунги кун мавзуси — рақамлаштиришдан бошланди. Чиндан ҳам, рақамлаштириш замон, давр талаби. Ҳозир у кириб бормоган соҳа ёки тармоқ йўқ. Кундалик эҳтиёжимиз “акли” технологияларга боғлиқ бўлиб бормоқда ва бундай хизматлардан доимий фойдаланаяпмиз.

Туман идораларининг “ягона дарча” тамойили асосидаги фаолияти ана шу эҳтиёж ва зарурат маҳсулидир. Ҳокимлик биносидан яна 5 та ташкилот жойлашган, улар томонидан аҳоли ва тadbиркорларга 30 дан ортиқ турдаги давлат хизматлари кўрсатиб келинмоқда. Масалан, Ички ишлар вазирлигига онлайн мурожаат қилиш қурилмаси аҳоли учун анча енгилликлар яратиши билан ажралиб туради. Ушбу тизимдан мурожаат йўлланганда навбатчи инспектор видеоалоқа орқали мурожаат қилувчи билан боғланади. Ўз навбатида, мурожаат автоматик рўйхатга олинади. Бу эса иш унуми ва самарасига катта ҳисса қўшади.

Давлатимиз раҳбари бундай “ақли” қурилмаларни аҳоли гавжум жойлар, бозор ва бошқа объекتلарга кўпроқ ўрнатиш бўйича топшириқ берди.

Ҳокимликда, шунингдек, вазиятлар маркази ҳам ташкил этилган. Марказда 17 та ахборот тизими ўзаро боғлангани аҳоли билан ишлашни янги босқичга олиб чиқади. Сунъий интеллект асосида таҳлил қилиш, муаммоларни тезкор аниқлаш ва ҳал этиш бўйича “Ақли туман” платформаси ишга туширилган.

Бу ерда ижтимоий ва коммунал муаммолар мониторинг қилинади, аҳоли мурожаатларининг ижроси назоратга олинади, фавқулодда ҳолатларда тегишли хизматлар фаолияти тезкор бошқарилади ва мувофиқлаштирилади.

Вазиятлар марказини ишга тушириш доирасида туманининг 46 маҳалласи билан видеоконференцаалоқа йўлга қўйилган ва марказ билан интеграция қилинган. Айни чоғда тумандаги 25 та мактаб вазиятлар марказига интеграция қилинмоқда. Платформа таркибидagi “Хавфсиз туман” тизими эса ҳуқуқбузарликларни мониторинг қилиш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашда қўл келади.

Tadbirkorlik subyektlarining raqamli xaritasida sunʼiy intellekt taʼhili asosida soliq tushumlarining prognoz qilish va ularning iygiluvchanligini taʼminlashga qaratilgan. “AI Davomat” tizimi esa maktablarda sababsiz dars qoldirish holatlarini bartaraf etish, voyga etmaganlar urtasida nazoratsizlikning oldini olishda ayni muddao.

Президентимиз вазиятлар маркази фаолияти билан танишиб, ушбу янги тизимни пойтахтнинг қолган туманларида ҳам жорий этишга топшириқ берди. Шу ерининг ўзида Тошкент шаҳрида таълим тизими, қурилиш соҳасини рақамлаштириш, яширин иқтисодиётни қисқартириш ва соқилар тушумини ошириш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича мутасаддиларнинг ҳисоботлари эшитилди.

Очиги, яқин вақтларгача Сергели тумани дейилса, шаҳарнинг бир чеккаси, иқтисо-

диёт ва шароити ҳам ўзига яраша ҳудудни тасаввур этардиқ. Нафақат тасаввур қилардиқ, ҳақиқий аҳвол ҳам шунга монанд эди. Янги Ўзбекистонни яратиш борасидаги ислохотлар боис, бугун манзара ва шароит тубдан яхшиланмоқда. Сергелида кўз ўнгимизда катта ўзгаришлар рўй берди. Маҳаллалардаги янгиланишлар, инфратузилма ва саноат объектлари, хизмат кўрсатиш борасида қилинаётган ишлар бунинг яққол тасдиғи. Давлатимиз раҳбарининг ушбу туманга қилган ташрифи асносида гувоҳ бўлганимиз шундан далолат беради.

Бу ижобий ҳолатлар Президентимиз раислигида Тошкент шаҳри, хусусан, Сергели туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва маҳаллаларда хавфсиз муҳит яратиш масалалари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам алоҳида қайд этилди.

Сергели туманида сўнгги ўн йилда 30 минг хонадонли янги уй-жойлар, умумий майдони 2 миллион квадрат метр бўлган саноат, савдо ва сервис объектлари барпо қилинди. Tadbirkorlar soni 2,5 mingtadan 6200 taga kўpайди. Aҳоли учун 5 та йирик дам олиш маскани ва истироҳат боғи ишга туширилди. Toшкент viloyatidan ўtган 13 та маҳалла ҳисобидан Сергели тумани ҳудуди 1800 гектар кенгайиб, жами 5,6 минг гектарга етди. Tуманни бошқа ҳудудлар ва шаҳар маркази билан боғлайдиган 9 километрли йўл, 8 та станциядан иборат янги метро линияси бунёд этилди. Мактаб ўринлари 25 mingдан 38,5 mingта, боғча ўринлари 7,5 mingдан 15,5 mingта кўпайди. 50 та давлат ва хусусий клиника очилди.

Бундай ишлар кўлами кенгайса кенгайдик, асло сусаймайдик. Чунки давлатимиз раҳбари қилинган ишларни эътироф қилиш баробарида пойтахтимиз ва ушбу туманга дахлдор қатор ташаббусларни, таклиф ва лойиҳаларни илгари сурди.

Сергели аҳолиси яқин йилларда 300 мингдан ортиши кутилмоқда. Бу уй-жой, боғча, мактаб, поликлиника ва иш ўринларини аҳоли ўсишига мос равишда кўлай-тириш зарур дегани. Жорий йилда Сергелини ривожлантириш учун бюджетдан 173 миллиард сўм, банклар орқали 2 триллион 200 миллиард сўм ресурс ажратилган. Йил охиригача 750 миллион доллар инвестиция жалб қилиш режалаштирилган.

Сергелида бунёдкорлик ишлари кўпайиб, янги уй-жойлар, маиший объектлар қурилиши ортидан, жумладан, электр энергиясига талаб ҳам ортиб бормоқда. Шу боис, “Шаҳаролди”, “Ўзгариш” ва “Қумарик” нимстацияларини ишга тушириш учун жами 107 миллиард сўм ажратилган. Йиғилишда мутасаддиларга ушбу объектларни аниқ муддатларда ишга тушириш ва аҳолига қафолати электр таъминотини йўлга қўйиш топшириғи берилди.

Туманда айрим мактаблар катта юклама билан ишлайётгани қайд этилиб, ўқувчи ўрнини 2 қарра кўпайтириш зарурлиғи қайд этилди. Бу ҳам бугунги кун талабидан келиб чиқилаётган оқилона таклиф бўлди. Сабаби синфларда ўқувчи кўп бўлиши ҳам таълим, ҳам тарбия сифатига салбий таъсир кўрсатиши табиий.

Сергели ва Янгиҳаёт туманлари аҳолиси неча йиллардан буйён ҳудуддаги сув тозалаш иншоотидан тарқаладиган бадбўй ҳиддан қийналиб келаяётгани бор гап. Йиғилишда ушбу масала ҳам кўтарилиб, мутасаддилар зиммасига жорий йилнинг сентябргача оқова сув қабул қилиш иншоотига замонавий филтрлаш ускуналари ўрнатиш орқали мазкур муаммони бартараф этиш вазифаси қўйилди.

Пойтахтимизда аҳоли ва сайёҳлар учун янада қулайлик яратиш мақсадида 12 та сунъий кўл яратишга киришилган. Шундан 3 таси Сергелида бўлади. Табиийки, бу лойиҳалар нафақат бош кентимиз ва туман аҳли ёки меҳмонларига қўшимча қулайлик беради, балки шаҳар иқлимини яхшилашда ҳам қўл келади.

Одамларнинг муносиб ҳаёт кечирishi хавфсизлик борасидаги ишларга чамбарчас боғлиқ. Шу боис, давлатимиз раҳбари йиғилишда маҳаллаларда хавфсиз муҳитни таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратди. Бу борада пойтахт намунасини яратиш масаласи кўриб чиқилди. Пойтахт туманларига республика раҳбарлари бириктирилгани ўз натижасини бераётгани таъкидланди. Сергели хавфсиз муҳит яратиш бўйича Тошкент шаҳридаги энг яхши туманлардан бири экани қайд этилди.

Пойтахтимизга, умуман, юртимизга сайёҳлар оқими кейинги лайтларда кескин кўпайган. Бу бизга қўшимча даромад келтириш баробарида имкониятларни ишга солишни ҳам тақозо этади. Янги Сергели кўчасида автобуслар учун 5,5 километрни BRT йўлак қуриш режалаштириляётгани, бу йўлак Шота Руставели кўчаси билан боғланиши, Сергели, Бектемир ва Янгиҳаёт туманларини пойтахтнинг бошқа ҳудудлари билан боғлайдиган Тошкент ҳалқа йўлидаги янги кўприк қурилишини тезлаштириш ишлари ана шу имкониятни оширишга хизмат қилади. Автобус бекатлари, вокзал, аэропорт ва метро станцияларида сайёҳлар учун шаҳар йўналишларини кўрсатувчи, телефонга бепул ва осон юклаб олинадиган хариталар жорий этилиши эса нафақат сайёҳлар, балки ҳамма учун қулайдир.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,
Боборовшан ҒОЗИДДИНОВ,
Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбирлари

МАРКАЗИЙ ОСИЁ — КАВКАЗ МИНТАҚАСИ ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ

Бугуннинг гапи

Бугунги глобал сиёсатда давлатнинг ўрни ва аҳамияти фақатгина иқтисодиёти кўлами ёки аҳолиси сони билан эмас, балки турли бозорлар, минтақалар ва халқларни ўзаро боғлай олиш салоҳияти билан ҳам баҳоланмоқда. Халқаро рақобатнинг янги қиёфаси ҳам айнан шу мантиқ асосида шаклланыпти.

Шундай шариотда Ўзбекистон ва Грузия ўртасидаги шериклик муносабатлари анъанавий икки томонлама ҳамкорлик доирасидан анча кенгайиб, стратегик шериклик даражасига кўтарилмоқда.

Грузия Ўзбекистоннинг Кавказ минтақасидаги муҳим ҳамкори. Мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-логистика ва маданий-гуманитар соҳалардаги алоқалар изчил ривожланмоқда.

Ўзбекистон Грузияга автомобиль, тўқимачилик ва электр техникаси маҳсулотлари экспорт қилиш, Грузия йўллари орқали жаҳон бозорига чиқишдан манфаатдор. Грузия эса мамлакатимиздан турли хил мева-сабзавот харид қилиши, виночилик соҳасида қўшма корхоналар ташкил этиши мумкин.

Халқларимиз ўртасида дўстлик ва ўзаро ҳурмат муҳити қарор топган. Ўзбекистонда грузин миллатига мансуб фуқароларимиз мамлакатимиз ҳаётида фол иштирок этмоқда. Бу маданий-гуманитар алоқалар ривожига мустаҳкам асос бўлмоқда.

Марказий Осиё ва Кавказ чорраҳасида жойлашган икки давлат Евроосиё маконидagi иқтисодий ҳамда транспорт боғлиқлигининг муҳим бўғинига айланиб, ишлаб чиқариш занжирлари, транспорт

йўлаклари ва ўзаро рақобат устунликларини уйғунлаштирмоқда.

Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Грузияга давлат ташрифи фақатгина дипломатик тadbир эмас, у аввало, минтақада кечаётган чуқур геосиёсий ва геоиқтисодий ўзгаришларнинг амалий ифодаси. Шунингдек, икки давлат муносабатларининг янги босқичга кўтариляётганининг яна бир амалий тасдиғидир.

Ҳар қандай давлат ташрифи, аввало, узоқ йиллик сиёсий мулоқот ва тизимли дипломатик саъй-ҳаракатларнинг амалий натижаси. Тошкент — Тбилиси ўртасидаги муносабатлар динамикасига назар ташланса, кейинги йилларда ҳамкорлик сифат жиҳатидан мутлақо янги босқичга кўтарилганини кўриш мумкин.

Икки мамлакат ўртасидаги сиёсий мулоқот мунтазам ва тизимли тус олди. 2017 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг Нью-Йоркдаги сессияси доирасида Президентимиз ва Грузиянинг ўша вақтдаги Бош вазир ўртасида бўлиб ўтган учрашувдан сўнг олий даражадаги мулоқотлар изчил давом этди.

2022 йилда Бош вазир Ираклий Гарибашвили Ўзбекистонга расмий ташриф билан келди. 2025 йил март ойида эса Бош вазир Ираклий Кобахидзе мамлакатимизда



Мансур МУСАЕВ,
сиёсий фанлар доктори, профессор

расмий ташриф билан бўлди. Ўша йилнинг 5 августидa давлат раҳбарлари Туркманбоши шаҳрида ўтган БМТнинг Денгизга чиқиш имкони бўлмаган ривожланаётган мамлакатлар бўйича учинчи конференцияси доирасида яна бир бор учрашиб, музокаралар ўтказди.

Шу давр мобайнида ташқи ишлар вазирликлари ўртасида сиёсий маслаҳатлашувларнинг 13 та раунди бўлиб ўтди. Парламентлараро алоқалар ҳам сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Парламентлараро ҳамкорлик гуруҳининг ташкил этилиши, шунингдек, Грузия делегациясининг Тошкентда ўтказилган Парламентлараро иттифоқнинг 150-йилбей ассамблеясида иштирок этиши икки мамлакат ўртасида сиёсий ишонч тобора мустаҳкамланаётганининг амалий ифодаси бўлди.

Сиёсий мулоқот ва ўзаро ишонч иқтисодий ҳамкорлик ривожига ҳам ўзининг яққол аксини топмоқда. Икки томонлама ҳамкорлиқнинг асосий институционал механизмларидан бири ҳисобланган Ҳукуматлараро комиссия шу кунга қадар 10 та йиғилиш ўтказди. Айнан мазкур платформа доирасида саноат кооперацияси, савдо ва инвестициялар соҳаларида истиқболли қўшма лойиҳалар шакллантирилмоқда.

Икки мамлакат ўртасида эркин савдо режими амал қилади. Бу эса товар айирбошлаш ҳамда муттасил ўсишига хизмат қилмоқда. Сўнгги беш йил ичида товар айирбошлаш ҳамда икки ярим баравар ошди, қўшма корхоналар сони ва юк айланмаси кўпайди. Мамлакатимизда грузиялик инвесторлар иштирокида ташкил этилган рақамли банк фаолият юритмоқда.

“ Ҳар қандай давлат ташрифи, аввало, узоқ йиллик сиёсий мулоқот ва тизимли дипломатик саъй-ҳаракатларнинг амалий натижаси. Тошкент — Тбилиси ўртасидаги муносабатлар динамикасига назар ташланса, кейинги йилларда ҳамкорлик сифат жиҳатидан мутлақо янги босқичга кўтарилганини кўриш мумкин.



Иқтисодий ҳамкорлиқнинг изчил ривожланишини статистик кўрсаткичлар ҳам тасдиқлайди. Хусусан, агар 2017 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 89,1 миллион долларни ташкил этган бўлса, ўтган йил якунига келиб, бу кўрсаткич 267,6 миллион долларга етди.

Мазкур ижобий динамика мустаҳкам шартномавий-ҳуқуқий базага таянади. Хусусан, эркин савдо, икки томонлама солиққа тортишнинг олдини олиш, инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва химоя қилиш тўғрисидаги битимлар ҳамда бошқа икки томонлама ҳужжатлар тadbirkorlik фаолияти учун барқарор, шаффоф ва ишончли ҳуқуқий муҳитни таъминламоқда.

Савдо таркиби ҳам икки мамлакат иқтисодиёти бир-бирини табиий равишда тўлдираяётганини кўрсатади. Хусусан, Ўзбекистон Грузияга саноат, кимё маҳсулотлари, машина ва транспорт ускуналари, озиқ-овқат ҳамда хизматлар экспорт қилмоқда. Грузиядан эса кимё, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда ускуна, саноат товарлари ва хизматлар импорт қилинмоқда.

Ҳамкорлиқнинг навбатдаги босқичи инвестициялар ҳамда қўшма ишлаб чиқаришда намоён бўляпти. Бугунги кунда Ўзбекистонда Грузия капиталли иштирокида 20 дан ортиқ корхона фаолият юритади. 2025 йил июнь ойида Тбилиси шаҳрида “Made in Uzbekistan” миллий кўргазмаси ташкил этилди. 100 дан ортиқ маҳаллий корхона иштирок этган мазкур кўргазмада тўқимачилик, электротехника, фармацевтика, озиқ-овқат, машина-созлик тармоқларининг салоҳияти намоён бўляпти.

Давлатимиз раҳбарининг Грузияга давлат ташрифи икки томонлама муносабатлар доираси билан чекланмайди. У қарийб чорак аср давомида илк бор амалга оширилган давлат ташрифи доирасида Ўзбекистон — Грузия муносабатларида янги босқичларни рамзи, кейинги ҳамкорлик истиқболларини белгилаб берувчи муҳим сиёсий воқеа сифатида алоҳида аҳамият касб этади.

Таҳлил

ЭНГ ҚИММАТ РЕСУРС

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Асрор НОРОВ, Инновацион ривожланиш агентлиги директори вази­фасини бажарувчи, иқтисодиёт фанлари доктори

Ўзбекистондаги ислохотлар айнан шу мантиққа асосланмоқда. Президентимиз раҳбарлигида иқтисодиёт, саноат, инвестициялар ва илм-фан соҳалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишлари таҳлил қилинганда бир муҳим тенденция кўзга ташланади: иқтисодий ўсиш ҳақидаги ёндашув ўзгармоқда. Агар аввал асосий эътибор янги қувватлар, инвестициялар ва ишлаб чиқариш ҳажмига қаратилган бўлса, энди технология, инновация, тижорийлаштириш ва юқори қўшилган қиймат иқтисодий сиёсат марказига чиқмоқда. Бу тасодифий қарор эмас, балки мамлакат иқтисодиёти янги босқичга ўтаётганидан далолат беради. Президентимиз раҳбарлигида ўтказилган видеоселектор йиғилишларининг мазмунини қиёсий таҳлил қилиш яна бир муҳим жиҳатни кўрсатади. Илк босқичда асосий эътибор ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, инвестициялар жалб қилиш ва саноатни қўллаб-қувватлашга қаратилган бўлса, кейинги даврда инновацияларга барча тармоқлар учун умумий ривожланиш воситаси сифатида қарала бошлади. Бугун саноат, қишлоқ

нинг иқтисодиёт билан уйғунлигини яхлит тизим сифатида таҳлил қилиш зарур. Чунки инновацияларнинг ҳақиқий қиймати лабораторияда эмас, иқтисодиётда намоён бўлади. Кейинги йилларда иқтисодиёт, саноат, инвестициялар ва илм-фанга доир йиғилишларни қиёсий таҳлил қилиш бир муҳим ҳулосага олиб келади: давлат сиёсатида инновацияга энди мустақил тармоқ сифатида эмас, балки саноатни модернизация қилиш, меҳнат умумдорлигини ошириш, импорт ўрнини босиш ва экспорт салоҳиятини кенгайтиришнинг асосий воситаси сифатида қаралмоқда. Бу ёндашув илмий муҳитда ҳам акс этмоқда. Республикада шаклланган 160 мингга яқин докторлик диссертациялари мавзуси базаси таҳлили шуни кўрсатадики, кейинги йилларда иқтисодиётнинг янги эҳтиёжларига жавоб берадиган тадқиқотлар сони ортиб бормоқда. Рақамли иқтисодиёт, инновацион бошқарув, сунъий интеллект, ресурс тежамкорлиги, логистика, технологияларни

тижоратлаштириш, интеллектуал мулк ва “яшил иқтисодиёт” каби мавзуларнинг илм кун тартибига кириб келиши бугунги иқтисодий сиёсат билан уйғун тенденция эканини кўрсатади. Таҳлил яна бир муҳим тенденцияни кўрсатади: докторлик диссертациялари мавзуларининг ўзгариши фақат илмий муҳитдаги жараён эмас, балки иқтисодиёт трансформациясининг интеллектуал инъикосидир. Илгирги йилларда тадқиқотлар кўпроқ соҳавий муаммоларни ҳал қилишга қартилган бўлса, бугунги мавзулар иқтисодиётнинг рақамлашуви, ресурслар самардорлиги, сунъий интеллект, юқори технологияли ишлаб чиқариш ва инновацион бошқарув масалаларига тобора кўпроқ йўналмоқда. Бу давлат сиёсати билан илм кун тартиби ўртасидаги мувофиқлик кучаяётганини аниқлатади. Шу билан бирга, мазкур тенденцияни мунтазам таҳлил қилиб бориш иқтисодиёт учун келгуси йилларда қайси соҳаларда юқори малакали кадрлар ва янги технологияларга эҳтиёж ортишини олдиндан прогноз қилиш имконини яратеди. Бироқ мазкур таҳлил яна бир муҳим ҳақиқатни ҳам очиб беради. Илмий тадқиқотлар сони ортиши ҳар доим ҳам иқтисодий натижанинг ўсишини аниқламайди. Масалан, иқтисодиёт учун стратегик аҳамиятга эга технологиялар трансфери, венчур молиялаштириш, юқори технологияли экспорт ёки интеллектуал активларни бошқариш каби йўналишларда илмий ишлар ҳали иқтисодиёт эҳтиёжларига мутаносиб даражада эмас. Демак, илмий сиёсатнинг кейинги босқичида фақат тадқиқотлар сони­ни ошириш эмас, балки уларнинг таркиби ва иқтисодий аҳамиятига ҳам алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Ҳудди шундай ҳолат давлат томонидан молиялаштирилаётган илмий лойиҳалар таҳли­лида ҳам кузатилади. 11 минг 548 та илмий лойиҳани қиёсий таҳлил қилиш давлат инвестициялари асосан саноат технологиялари,

қишлоқ ҳўжалиги, тиббиёт, энергетика, кимё, биотехнология ва рақамли технологиялар каби устувор тармоқларга йўналтирилаётганини кўрсатади. Бу танлов тасодифий эмас. Айнан шулар иқтисодиётда юқори қўшилган қиймат яратиш имкониятига эга тармоқлардир. Бундай жараёни аниқ мисолларда ҳам кўриш мумкин. Давлат томонидан қўллаб-қувватланган қатор ишланмалар қишлоқ

Ўзбекистондаги ислохотлар айнан шу мантиққа асосланмоқда. Президентимиз раҳбарлигида иқтисодиёт, саноат, инвестициялар ва илм-фан соҳалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишлари таҳлил қилинганда бир муҳим тенденция кўзга ташланади: иқтисодий ўсиш ҳақидаги ёндашув ўзгармоқда. Агар аввал асосий эътибор янги қувватлар, инвестициялар ва ишлаб чиқариш ҳажмига қаратилган бўлса, энди технология, инновация, тижорийлаштириш ва юқори қўшилган қиймат иқтисодий сиёсат марказига чиқмоқда. Бу тасодифий қарор эмас, балки мамлакат иқтисодиёти янги босқичга ўтаётганидан далолат беради. Президентимиз раҳбарлигида ўтказилган видеоселектор йиғилишларининг мазмунини қиёсий таҳлил қилиш яна бир муҳим жиҳатни кўрсатади. Илк босқичда асосий эътибор ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, инвестициялар жалб қилиш ва саноатни қўллаб-қувватлашга қаратилган бўлса, кейинги даврда инновацияларга барча тармоқлар учун умумий ривожланиш воситаси сифатида қарала бошлади. Бугун саноат, қишлоқ

нинг иқтисодиёт билан уйғунлигини яхлит тизим сифатида таҳлил қилиш зарур. Чунки инновацияларнинг ҳақиқий қиймати лабораторияда эмас, иқтисодиётда намоён бўлади. Кейинги йилларда иқтисодиёт, саноат, инвестициялар ва илм-фанга доир йиғилишларни қиёсий таҳлил қилиш бир муҳим ҳулосага олиб келади: давлат сиёсатида инновацияга энди мустақил тармоқ сифатида эмас, балки саноатни модернизация қилиш, меҳнат умумдорлигини ошириш, импорт ўрнини босиш ва экспорт салоҳиятини кенгайтиришнинг асосий воситаси сифатида қаралмоқда. Бу ёндашув илмий муҳитда ҳам акс этмоқда. Республикада шаклланган 160 мингга яқин докторлик диссертациялари мавзуси базаси таҳлили шуни кўрсатадики, кейинги йилларда иқтисодиётнинг янги эҳтиёжларига жавоб берадиган тадқиқотлар сони ортиб бормоқда. Рақамли иқтисодиёт, инновацион бошқарув, сунъий интеллект, ресурс тежамкорлиги, логистика, технологияларни

тижоратлаштириш, интеллектуал мулк ва “яшил иқтисодиёт” каби мавзуларнинг илм кун тартибига кириб келиши бугунги иқтисодий сиёсат билан уйғун тенденция эканини кўрсатади. Таҳлил яна бир муҳим тенденцияни кўрсатади: докторлик диссертациялари мавзуларининг ўзгариши фақат илмий муҳитдаги жараён эмас, балки иқтисодиёт трансформациясининг интеллектуал инъикосидир. Илгирги йилларда тадқиқотлар кўпроқ соҳавий муаммоларни ҳал қилишга қартилган бўлса, бугунги мавзулар иқтисодиётнинг рақамлашуви, ресурслар самардорлиги, сунъий интеллект, юқори технологияли ишлаб чиқариш ва инновацион бошқарув масалаларига тобора кўпроқ йўналмоқда. Бу давлат сиёсати билан илм кун тартиби ўртасидаги мувофиқлик кучаяётганини аниқлатади. Шу билан бирга, мазкур тенденцияни мунтазам таҳлил қилиб бориш иқтисодиёт учун келгуси йилларда қайси соҳаларда юқори малакали кадрлар ва янги технологияларга эҳтиёж ортишини олдиндан прогноз қилиш имконини яратеди. Бироқ мазкур таҳлил яна бир муҳим ҳақиқатни ҳам очиб беради. Илмий тадқиқотлар сони ортиши ҳар доим ҳам иқтисодий натижанинг ўсишини аниқламайди. Масалан, иқтисодиёт учун стратегик аҳамиятга эга технологиялар трансфери, венчур молиялаштириш, юқори технологияли экспорт ёки интеллектуал активларни бошқариш каби йўналишларда илмий ишлар ҳали иқтисодиёт эҳтиёжларига мутаносиб даражада эмас. Демак, илмий сиёсатнинг кейинги босқичида фақат тадқиқотлар сони­ни ошириш эмас, балки уларнинг таркиби ва иқтисодий аҳамиятига ҳам алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Ҳудди шундай ҳолат давлат томонидан молиялаштирилаётган илмий лойиҳалар таҳли­лида ҳам кузатилади. 11 минг 548 та илмий лойиҳани қиёсий таҳлил қилиш давлат инвестициялари асосан саноат технологиялари,

қишлоқ ҳўжалиги, тиббиёт, энергетика, кимё, биотехнология ва рақамли технологиялар каби устувор тармоқларга йўналтирилаётганини кўрсатади. Бу танлов тасодифий эмас. Айнан шулар иқтисодиётда юқори қўшилган қиймат яратиш имкониятига эга тармоқлардир. Бундай жараёни аниқ мисолларда ҳам кўриш мумкин. Давлат томонидан қўллаб-қувватланган қатор ишланмалар қишлоқ

Ислохот одимлари

Бундан етти-саккиз йил аввал айрим ҳудудлардаги йўллар аҳоли учун жиддий муаммо ва ечиммай қолаётган масалалардан эди. Носоз йўллар кўлаб кийинчиликларни юзага келтирарди. Тизимдаги ислохотлар натижасида йўлсозлик ҳам янги босқичга кўтарилди. Ҳудудлардаги йўлларни таъмирлашда автомобиль қатнови билан бирга пиёдалар хавфсизлигига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўтган йилларда бу борада Навоий вилоя­тида ҳам салмоқли ишлар қилинди. Айни вақтда ҳудудда 9496 километр автомобиль йўли мавжуд. Шундан 4055 километри умумий фойдаланишдаги, 354 километри халқаро, 2571 километри давлат даражасидаги, 1130 километри маҳаллий аҳамиятга эга йўллар. — Вилоятимизда 5441 километр ички йўл мавжуд. Шунингдек, 367 та кўприк ва йўл ўтказгичларининг 266 таси умумий фой­даланишдаги ва 101 таси ички ҳўжалик ав­томобиль йўлларида жойлашган, — дейди

Навоий вилояти автомобиль йўллари бош бошқармаси ахборот хизмати раҳбари Дилшод Бахронов. — Вилоятда 2026 йилнинг ўтган даврида 74,8 километрда таъмирлаш ишлари бажарилди. Ҳозир бошқа ҳудудларда ҳам ишлар давом эттирилмоқда. Бундан таш­қари, халқаро аҳамиятдаги автомобиль йўли­нинг 198 километридан Зарафшон шаҳрига кириб келувчи 3,5 километрдан иборат янги автомобиль йўли барпо этилди. Бу ерда икки томондан ҳам пиёдалар ва велосипед йўлак­лари қуриш режалаштирилган. Йўлнинг икки томонида яшил ҳудуд барпо этилади. Ҳозир

РАВОН ЙЎЛЛАР – ЧЎЛЛАРГА ҲАЁТ ЙЎЛЛАР

Янги Навоий шаҳарчасига олиб борадиган 4 йўналишли янги йўл ҳам ётқизилмоқда. Чўл ҳудудда йўлларни созлаш ва мустаҳкамлаш кўм кўчиши, шомол эрозияси ҳамда ҳарорат кескин ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда махсус ёндашувларни талаб қилади. Қизилқум саҳросида масофалар фақат чақиримлар билан эмас, вақт ва машаққат билан ҳам ўлчанади. Чекка ҳудудлардаги йўл инфратузилмасини яхшилаш бўйича қабул қилинган тарихий қарорлар Қизилқум бағ­рига ҳам янги ҳаёт нафасини олиб кирди. Давлат ва инвестиция дастурлари доирасида Томди тумани ҳамда Зарафшон шаҳри ўрта­сидаги, шунингдек, маҳалла ва овуллардаги йўлларни тубдан реконструкция қилиш ва таъмирлаш учун катта маблағ йўналтирил­ган. Бу шунчаки маҳаллий аҳамиятдаги иш

эмас, балки бутун воҳанинг ижтимоий-иқти­содий қиёфасини ўзгартаришга қаратилган стратегик қадам бўлди. Ҳар бир лойиҳа саҳродаги иқлим ша­рон­ти, ҳаво ҳароратининг кескин ўзгариши ва оғир юк машиналарининг ҳаракатланиш ин­тенсивлиги ҳисобга олинган ҳолда иш­лаб чиқилди. Бундан мақсад йиллар даво­мида сифатини йўқотмайдиган, халққа узоқ му­ддат хизмат қиладиган инфратузилма яратишдир. Мутахасссларнинг пухта хи­с­об-китобидан сўнг амалий ишлар бошлаб юборилди. Ииллар давомида чанг ва нотекис йўлдан заҳмат чеккан бу замин бугун катта қурилиш майдони­га ай­ланди. Бу ердаги йўллар йирик саноат кор­хона­лари техникаси ва юк маши­на­лари учун ҳам хизмат қи­лади. Шу сабабли

шаҳар кўчалари ва унга туташ йўлларни таъмирлашда асосий ургу сифат ва бардош­ли­ликка қаратилмоқда. Мутахассслар ҳар бир қатламнинг зичлигини, геометрик тўғ­ри­ли­гини қатъий назоратга олган. Шу боис, За­ра­фшон шаҳридаги йўллар бугун замонавий ин­фра­тузилма кўзгусига айланмоқда. Бундан ташқари, шаҳарни Томди тумани билан боғ­ловчи йўл ҳам доимий эътиборда. Чўл бағрида жойлашган Томди тумани, бағрикенг ҳудуд, тарқоқ овуллар ма­ко­ни. Илгари марказдан ажралиб қолгандек ту­юл­ган овуллар бугун янги йўллар орқали ягона за­ни­ж­рига боғланди. Йўл етиб борган жойга фой­за­ра­ка қиради. Янги равон йўллар ту­фай­ли чекка овулларга тез тиббий ёрдам ма­ши­на­лари бир неча дақиқада етиб бормоқда.



Янги Навоий шаҳарчасига олиб борадиган 4 йўналишли янги йўл ҳам ётқизилмоқда. Чўл ҳудудда йўлларни созлаш ва мустаҳкамлаш кўм кўчиши, шомол эрозияси ҳамда ҳарорат кескин ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда махсус ёндашувларни талаб қилади. Қизилқум саҳросида масофалар фақат чақиримлар билан эмас, вақт ва машаққат билан ҳам ўлчанади. Чекка ҳудудлардаги йўл инфратузилмасини яхшилаш бўйича қабул қилинган тарихий қарорлар Қизилқум бағ­рига ҳам янги ҳаёт нафасини олиб кирди. Давлат ва инвестиция дастурлари доирасида Томди тумани ҳамда Зарафшон шаҳри ўрта­сидаги, шунингдек, маҳалла ва овуллардаги йўлларни тубдан реконструкция қилиш ва таъмирлаш учун катта маблағ йўналтирил­ган. Бу шунчаки маҳаллий аҳамиятдаги иш

эмас, балки бутун воҳанинг ижтимоий-иқти­содий қиёфасини ўзгартаришга қаратилган стратегик қадам бўлди. Ҳар бир лойиҳа саҳродаги иқлим ша­рон­ти, ҳаво ҳароратининг кескин ўзгариши ва оғир юк машиналарининг ҳаракатланиш ин­тенсивлиги ҳисобга олинган ҳолда иш­лаб чиқилди. Бундан мақсад йиллар даво­мида сифатини йўқотмайдиган, халққа узоқ му­ддат хизмат қиладиган инфратузилма яратишдир. Мутахасссларнинг пухта хи­с­об-китобидан сўнг амалий ишлар бошлаб юборилди. Ииллар давомида чанг ва нотекис йўлдан заҳмат чеккан бу замин бугун катта қурилиш майдони­га ай­ланди. Бу ердаги йўллар йирик саноат кор­хона­лари техникаси ва юк маши­на­лари учун ҳам хизмат қи­лади. Шу сабабли

шаҳар кўчалари ва унга туташ йўлларни таъмирлашда асосий ургу сифат ва бардош­ли­ликка қаратилмоқда. Мутахассслар ҳар бир қатламнинг зичлигини, геометрик тўғ­ри­ли­гини қатъий назоратга олган. Шу боис, За­ра­фшон шаҳридаги йўллар бугун замонавий ин­фра­тузилма кўзгусига айланмоқда. Бундан ташқари, шаҳарни Томди тумани билан боғ­ловчи йўл ҳам доимий эътиборда. Чўл бағрида жойлашган Томди тумани, бағрикенг ҳудуд, тарқоқ овуллар ма­ко­ни. Илгари марказдан ажралиб қолгандек ту­юл­ган овуллар бугун янги йўллар орқали ягона за­ни­ж­рига боғланди. Йўл етиб борган жойга фой­за­ра­ка қиради. Янги равон йўллар ту­фай­ли чекка овулларга тез тиббий ёрдам ма­ши­на­лари бир неча дақиқада етиб бормоқда.

Аҳоли, мактаб ўқувчилари, ёшлар замон та­лаб­лари­га мос транспортларда хавфсиз ҳа­ра­кат­лани­япти. Энг муҳими, йўл бўйида янги хизмат кўрсатиш шохобчалари, тадбиркор­лик объек­тлари барпо этилмоқда. Лой ва чанг кўчалар тарихга айланиб, ўрнини равонлик ва кўркамлик эгалламоқда. — Чўл ҳудудда табиий таъсир кучли­ли­ги сабабли йўллар жуда ҳам мустаҳкам ва сифатли бўлиши лозим, — дейди Томди тумани йўллардан фойдаланиш бошқар­ма­си бош муҳандиси Нурсултон Бозорбоев. — Айни вақтда А-379 автомобиль йўлининг 140-143 километр оралиғи тўлиқ таъмирлан­моқда. Т-191 йўлининг яроқсиз қисмларига янги асфальт қопланапти. Шунингдек, ички йўлларда ҳам таъмирлаш жараёни давом эт­моқда. Жумладан, Наврўз кўчасида 1,5, Тур­но­би кўчасида 2,5 километр йўл тўлиқ таъмирланмоқда. Илгари марказдан чек­ка овулларга етиб олиш соатлаб вақт олган бўлса, бугун янги ётқизилаётган асфальт кўчалар туфайли манзилга тезроқ етиб олиш им­ко­ни кенгайган. Албатта, узоқ йиллар Томди ва Зара­ф­шон­ни боғловчи, шунингдек, олис овулларга эл­ту­вчи ички йўллар маҳаллий аҳоли ва ҳай­дов­чилар учун катта синов эди. Айниқса, чек­ка овуллардан беморни туман марказига ёки Зара­ф­шон шаҳридаги шифохоналарга олиб бориш соатлаб вақт оларди. Ҳар бир чақирим заҳмат ва машаққатдан иборат бўлган. Иқ­ти­содий юксалиш ва аҳоли фаровонлиги ҳақида га­пи­риш учун эса, аввало, мана шу оғриқли жи­хат­ларга барҳам бериш керак эди. Сўнгги йил­лар­даги ислохотлар туфайли бу муам­мо­лар босқичма-босқич бартараф этилди. Навоий вилояти саноати билан мам­ла­ка­тимиз иқтисодий ривожига ўз ўрнига эга. Бироқ бу иқтисодий қувватни таъминлаб бе­ру­вчи энг муҳим омил хавфсиз ва равон йўл­лар­дир. Саҳро бағрида бунёд этилаётган ва таъмирланаётган, замонавий қиёфа касб э­та­ётган равон йўллар ҳудудларнинг иқ­ти­содий қудратини оширади, одамларни бир-би­ри­га яқин қи­лади.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



Алишер ЭШТАЕВ,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор



Президентимизнинг 2026 йил 30 апрелдаги “Худудларда туризм инфратузилмасини жадал ривожлантириш ва соҳада лойиҳа бошқаруви тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори юртимизда сайёҳлик тизимини янада ривожлантириш бўйича муҳим ҳужжат бўлди. Қарорга асосан, худудларда туризм инфратузилмасини комплекс ривожлантириш, соҳада янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадларини ошириш белгиланган. Бунда туризм ва унга ёндош соҳаларда

24 мингта янги иш ўрни яратиш ҳамда 16 мингта иш ўрнини “соядан чиқариш” (яширин иқтисодиётдан қонуний секторга ўтказиш) орқали 40 мингта иш ўрни ташкил этиш, соҳани лойиҳавий бошқарув тизимига ўтказиб 31 та туризм объектини ташкил этиш асосий мақсад қилиб белгиланган.

Мамлакатимиз 2026 йилнинг дастлабки уч ойида хорижий сайёҳларни жалб қилиш бўйича дунёда энг юқори ўсиш қайд этилган ТОП-5 давлатлар қаторига кирган. Бу маълумотлар жаҳон туризм бозорига рақобатнинг тобора кучайиб бораётганини кўрсатади.

Жаҳон туризм бозорига ривожланган давлатлар ҳам ўз ўрнини маҳкам ушлаб туришга, замонавий туризм тенденцияларига мослашишга ҳаракат қилмоқда. Бунинг асосий сабаблари мазкур соҳа барча давлатлар учун сердаромад экани, қолаверса, туризмни ривожлантиришда янги иш ўринларини яратиш асосий омиллардан бири экани, яъни туризмда яратилган 1 та иш ўрни бошқа соҳаларда қўшимча 2 та иш ўрни яратишига олиб келиши билан изоҳланади.

Туризмнинг мамлакат иқтисодиёти ва аҳоли фаровонлиги учун нақадар муҳим аҳамият касб этиши, қўллаб иш ўрни ва даромад манбаи экани ҳақида гап кетганда, Президентимизнинг Марғилон шаҳридаги “Бурхониддин Марғиноний” илмий-маърифий ва туризм мажмуасининг очилиш маросимидagi нутқда келтирилган қўйидаги фикрлари ўринlidir.

“Сўнгги йилларда миллий меъморчилик ечимларини қўллаган ҳолда тарихий ва замонавий анъаналарни муҳасамма этган йирик туристик мажмуалар барпо этишга алоҳида

эътибор берялмиз. Хусусан, Самарқандда “Буюк ипак йўли” ва Имом Бухорий мажмуалари, Хоразмда “Арда Хива” халқаро туризм маркази ишга туширилди.

Яқинда азим пойтахтимизда очилган, Янги Ўзбекистон дурдонаси сифатида эътироф этилаётган Ислон цивилизацияси маркази ҳам бу борада улкан қадам бўлди. Таъкидлаш керакки, ушбу мажмуа экспозициясида Фарғона тарихига алоҳида ўрин ажратилган. Бу масканда тўртта йирик порталдан биттаси Қўқон портали деб аталади. Биринчи Ренессанснинг буюк намоёндалари — Аҳмад



Фарғоний ва Бурхониддин Марғиноний болалигимиз фаолияти атрофида ёритилган. Буларнинг барчаси — Фарғона вилоятига, бу замин фарзандларига юксак ҳурмат ва эҳтиром ифодаси, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз”.

Шу ўринда айтиш мумкинки, “Бурхониддин Марғиноний” илмий-маърифий ва туризм мажмуаси тўлиқ ишга тушгач, вилоятга йилга ўртача 200-250 минг нафар хорижий сайёҳ жалб этилиши кутилмоқда. Бунинг натижасида 2 мингта иш ўрни яратилади, бюджетта 52 миллиард сўм тушум ва 30 миллион долларлик хизматлар экспорти таъминланади.



Бутунжаҳон туризм ташкилоти маълумотлари таҳлиliga эътибор қаратадиган бўлсак, дунёдаги нотинч вазиятларга қарамай халқаро туризм бозорига 2026 йилнинг биринчи чорагида хорижий туристларнинг давлатлар бўйлаб ташрифи 2 фоизга ошганига ғувоҳ бўламиз. Яъни 2026 йилнинг биринчи чорагида 307 миллион турист халқаро сайёҳатни амалга оширган, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қарийб 6 миллион нафарга кўп.

Бугунги жаҳон туризм бозори олдингисидан тубдан фарқ қилади. Эндиликда оммавий туризмдан индивидуал туризмга ўтиш, туризмнинг креатив турлари, хусусан, юқори даромадли сайёҳлик ҳисобланган люкс (Luxury) туризмга, бундан ташқари MICE (бизнес ва корпоратив мақсадларга қаратилган ишбилармонлик туризми), shopping (савдо ва харид туризми), tibbiy, таълим, зиёрат, экологик, гастрономик каби турларга талаб кучаймоқда.

Жаҳон туризм бозорига таассуротларга асосланган сайёҳатлар ҳам ривожланишга эришди. Одамлар энди фақат машҳур жойларни кўришигига эмас, балки маҳаллий маданият, таомлар ва анъаналарни ҳис қилишни хоҳламоқда. Шу сабабли туризм бозорига дастуронимик, маданий ва этнографик туризм тез суръатларда ривожланаётган.

Юртимизда ҳам агротуризм, экотуризм ва экстремал туризм имкониятларини бирлаштирган 508 гектар майдонни эгаллаган “Қарқидон” туризм мажмуасида 45 та шале, 57 та замонавий меҳмон уйи, агротуризм мажмуаси, гуллар боғи, лавандозор, экобозор,

сокин худудлар ва ресторанлар ташкил этилган.

Туризм мамлакатни дунёга танитиш, янги иш ўринлари яратиш ва хизматлар экспортини кенгайтиришнинг самарали йўналишларидан бири. Шу боис, Тахтакўпир туманида Қоратерен қўли, Хонобод туманида сунъий қўл, Хатирчи туманида “Кўксарой” сув омбори, Поп туманида Арашан қўли, Нуробод туманида “Собирсой” ва Каттақўрғон туманидаги “Каттақўрғон” сув омборлари атрофида ҳам йирик туризм мажмуаларини барпо этиш режалаштирилган.

Янги Ўзбекистонни барпо этишда туризм соҳасини ривожлантириш мақсадида давлат томонидан бир қатор устувор вазифалар белгиланган. Хусусан, Президентимизнинг 2026 йил 16 февралдаги “Мамлакат тараққиётининг 2030 йилгача мўлжалланган устувор йўналишлари доирасида ислохотларни изчил давом эттириш ва янги босқичга олиб чиқишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида ташқи ва ички туризмни ривожлантириш учун кенг шароитлар яратиш орқали сайёҳлар сонини ошириш белгиланган. Бунда 2030 йилга бориб, мамлакатимизда туризм соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 7 фоизга, туризм хизматлари экспортини 6 миллиард долларга, мамлакатимизга ташриф буюрадиган хорижий туристлар йиллик сонини 20 миллионга етказиш, “Ўзбекистон бўйлаб сайёҳат қил” дастури доирасида ички сайёҳларнинг республика бўйлаб 25 миллионга сафарини амалга ошириш, хусусий инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига туризм кластерлари сонини 25 тага етказиш кўрсатиб ўтилган.

Давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган туризм соҳасини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш, замонавий бошқарув усулларини жорий этиш ҳамда худудларнинг иқтисодий салоҳиятини оширишга катта эътибор қаратилади. Сайёҳаракатлар натижасида жорий йилнинг беш ойида Ўзбекистонга 5 миллион 352 минг хорижий сайёҳ ташриф буюрган. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 30 фоизга юқори. Уларга кўрсатилган туризм хизматлар экспорти ҳажми эса 2,2 миллиард долларни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 38 фоизга ўсган. Мамлакатимизга давлатлар кесимида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан Хитойдан 3,4 баробар, Малайзиядан 2,1, Япониядан 1,6, Россиядан 1,4, АКШ, Германия ва Франциядан 1,3 баробар, Британиядан 20 фоиз ва Туркиядан 19 фоиз кўп сайёҳлар ташриф буюрган.

Ички туризмни ривожлантириш мақсадида “Ўзбекистон бўйлаб сайёҳат қил” дастури доирасида республика бўйлаб қарийб 9,8 миллион маҳаллий аҳоли сайёҳатлари ташкил этилган.

Туристларга хизмат кўрсатувчи 302 та туризм ташкилоти ташкил этилиб, уларнинг сонини 4,7 мингтага етди. Жорий йилнинг ўтган даврида жами 488 та жойлаштириш воситалари, шу жумладан, 74 та меҳмонхона, 212 та оилавий меҳмон уйлари, 139 та хостел ва 63 та бошқа турдаги жойлаштириш воситалари ташкил этилиб, уларнинг сонини 7,3 мингтага, ўринлар сонини эса 199,7 мингтага ташкил қилади. Худудларда туризм қишлоқлари ва туризм маҳаллаларини ташкил этиш ишлари давом эттирилмоқда. Бугунги кунда улар сонини 44 тага етказилди.

Туризм соҳасида рақамлаштириш йўналишида Миллий туризм агломерацияларини жорий этиш ишлари олиб борилмоқда. Платформа доирасида меҳмонхоналарни брон қилиш, авиа ва темир йўл чипталарини харид қилиш, музей ва маданий мерос объектиларига онлайн чипта сотиб олиш ҳамда туристик хизматлар статистикасини юритиш имкониятлари яратилди.

Оилавий меҳмон уйи ва хостелларни реестрга киритиш ахборот тизими янги талқинда ишлаб чиқилиб, Ягона интерактив давлат хизматлари порталига интеграция қилинди.

Албатта, мамлакатимизга хориждан келаётган туристлар оқимини ошиб боришини таъминлаш мақсадида замонавий туризм турларини кенгайтириш мақсадида мувофиқ. Мамлакатимизга ташриф буюраётган туристларнинг асосий қисми тарихий-маданий туризм, яъни тарихий шаҳарлар, обидлар, маданий мерос объектилари ва зиёратгоҳларга келаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бунинг мавсумийликка боғлиқлиги ҳамда ташриф буюраётган туристларнинг асосий қисми нафақа ёшида эканлиги сабабли ёшларни ҳам кенг жалб қилиш мақсадида туризмнинг бошқа турларини, яъни MICE, tibbiy, таълим, соғломлаштириш, зиёрат, экологик, аграр, гастрономик, этнографик, тоғ туризми каби турларини ҳам ривожлантириш, туристларнинг оқими паст худудларда янги туризм кластерлари ва соғломлаштириш мажмуаларини ташкил этиш, маданий мерос объектиларини рақамлаштириш, соҳада илмий тадқиқотларни амалга ошириш жорий қилишнинг самарали механизминини татбиқ этиш мақсадида мувофиқ ҳисобланади.

ДУНЁ ТАН ОЛГАН КУЛОЛЛИК САНЪАТИ

Кулоллар устахонасига хунар ўргангани келганимда 12 ёшда эдим. Кўхна юртнинг моҳир усталари Элбек Далиев, Абдуқодир Кимсанбоевдан анъанавий кулоллик сирларини ўрганиб, мустақил фаолият кўрсатиб келаётганимга ҳам ярим асрдан ортиқ вақт ўтди.



Алишер НАЗИРОВ,
кулол, “Шуҳрат” медали соҳиби

Риштон кулоллик мактаби анъаналарини минг йиллик тарихга эга. Оддий туپроқдан мўъжиза яратётган кулоллар асаган буюмлар донги дунёга кетган. Сопол буюмлар сифатини билишни хоҳловчилар уни қўлига олиб, бир чертиб кўрса киёфия. Ундан таралган товуш мисоли куйга айланиб, узоқ вақт жаранглаб туради. Ҳар бир буюмин яратиш учун кулолдан меҳнат, кунт, сабр талаб қилинади. Оддий пиёла тайёр қолган келгунча бир неча бор қўлдан қўлга ўтади. Унда акс этган ҳар бир чизик, тасвир, ранглар уйғунлиги жуда муҳим.

Асосий эътиборни анъанавий кулоллик мактабига хос ранг-тасвирларини сақлаш ва ривожлантиришга қаратганмиз. Масалан, ложувард-мовий ранг инсон қалбига улугворлик бағишлаб, ғалаба сари давъат этади. Мис-феруза, малҳаш-кўнғир, зарпазлик-сарик, сафедпазлик-оқ ранглар



Хунармандлик

кўхна кулоллик анъаналари ривожини ва бугунги тараққиётида катта аҳамиятга эга. Авлодлардан авлодларга ўтиб келаётган ва табиий ғиёҳлардан тайёрланган ранглар ўзаро уйғунлашиб, буюмларга ўзига хос жозиба беради, асрлар давомида ўз кўринишини йўқотмайди.

Кулоллик деса, кўпчилик уй-рўзгор буюмлари, идиш-товуқни тушунади. Бундай қарашлар нотўғри. У халқ амалий санъатининг бебаҳо дурдонаси. Уларда миллий маданиятимиз, урф-одат, ўтмиш билан бугунги ҳаёт тарзини, анъаналарни муҳасамма. Бунинг асл ҳолида сақлаб қолиш, ривожлантириш эса муҳим

амаллардан. Шогирд бўлиб юрганимда устозим “Қани, аввал лойга салом беринг” деб оддий лойга ҳурмат билан муносабатда бўлишни, ҳалол-пок бўлиб иш бошлашни талаб қиларди.

Бир мuddат ривожланишдан тўхтаб қолаётган кулоллик мактаби кейинги ўн йилликда яна гуллаб-яшнаб бoшлади. Президентимиз ташаббуси билан бунёд этилган Халқаро хунармандлар маркази усталаримиз ғайратига ғайрат қўшди. Бу ерда кулоллик мактабидан миллий анъаналарни ўз ҳолича сақлаб қолиш, янада бойитиш йўлида самарали ишларни қилинапти. Кулолларга қатор имтиёз ва имкониятлар берилди. Улар даромад солиғидан озод этилган. Халқаро миқёсда савдо ва кўرғазмаларда иштирок этишда ҳам қатор имтиёзлар берилди. Қошмаё билан боғлиқ муаммоларга амалий ечим топишга айна мuddао бўлмоқда.

Кечагидек эсимда. Нукус шаҳрида Президентимиз билан тадбиркорлар мулоқотида Риштонда анъанавий кулоллик тарих музейини ташкил этиш таклифини билдирганмиз. Давлатимиз раҳбари бу таклифни қўллаб-қувватлаб, қисқа вақтда таклифимга амалий ечим топилиди. Халқаро хунармандлар маркази ҳудудига Риштон анъанавий кулоллик музейини ташкил этилди. Риштонга

Халқаро хунармандлар шаҳри, М.Топполдиев номидаги маҳаллага “туризм маҳалласи” мақоми берилди. Алишер Навоий номидаги маҳалла фуқаролар йиғинида “Кулоллар шаҳарчаси” саноат зонаси ташкил этилди. Бу ерда оддий қизил туپроқдан лой, тайёр ва яримтайёр сопол буюмлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган ўндан ортиқ тадбиркорлик субъекти фаолият юритмоқда.

Буларнинг барчаси “уста-шогирд” мактаби асосида кулоллик анъаналарини пухта ўрганиш, сақлаш ва ривожлантиришда янги имконият эшикларини очди. Бу ерда мураккаб ва нафис нақшлар ўзига хос услубда яратилган, бир-бирини такрорлаган сержило маҳсулотларга алоҳида ўрин ажратилган. Кулоллар устахонасига оддий туپроқдан ноёб асар яратилиши жараёни билан қизиққан сайёҳлар, меҳмонлар келиши кундан кунга ортиб бoлмоқда. Улар бу ерда истиқомат қилиш, сопол буюмларни тайёрлаш жараёнида бевосита иштирок этиш имкониятига эга.

Кейинги икки йилда Туркия, АКШ, Хитойда анъанавий кулоллик мактаби асосида тайёрланган шахсий кўرғазмаларини намойиш этдим. Айни кунда Японияда бўлиши режалаштирилётган нуфузли кўрғазмага ҳозирлик кўряпман.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Қабулхона: (71) 233-56-33
Эълолар бўлими: (71) 233-70-98

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида сақлалади.
Газетанинг полиграфик жихатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

E-mail: info@yuz.uz
Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

Девонхона ва ишонч телефони:
(71) 233-56-60

Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-746.
29609 нусхада босилди.
Ўқимчи — 3 табоқ, Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А2.
Баҳоши келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Дилшод Улуғмуродов
Мусахҳас: Шерзод Маҳмудов
Дизайнер: Хуришд Абдуллаев

Манзилими:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎЗА якуни — 00:20 Топширилди — 00:30